



Ислом динига эътикод киладиган сайёхларни жалб килиш учун рус меҳмонхоналари халол меҳмонхоналар мақомига мос келиши керак. Бу муслмонларнинг диний эҳтиёжларини қондирадиган сервис ва хизматлар мавжудлигини аниқлатади. Улар қаторига спиртли ичимликларни тақиқлаш халол озик-овқат, алоҳида намозхоналар, эрақлар ва аёллар учун алоҳида дам олиш жойлари ва бошқалар қиради. XX-апрел конференцияси доирасида муслмон сайёхларнинг меҳмонхоналарга бўлган асосий истакларини ўрганган НИУ ВШЭ бизнес ва бизнес бошқаруви Мактабидан Анна Шниркованинг маърузаси тақдим этилди.

Халол меҳмонхоналар – Россия меҳмондўстлик саноатида нисбатан янги йўналишдир. Ушбу сегментга кизикиш энди ривожланмоқда. Хозирги кунда муслмонлар диний талабларига жавоб берадиган 15 та меҳмонхона мавжуд. «Халол» тушунчасининг ўзи араб тилидан таржима қилганда «исломда рухсат этилган ва мумкин бўлган ҳамма нарса» маъносини аниқлатади. У деярли ҳамма нарсага: овқатланиш ва тиббиётдан тортиб молия ва кўнгилочарликларга нисбатан амал қилади. Туризм соҳасида алоҳида йўналиш - халол турлар мавжуд. Улар асосан муслмон аҳолиси устунлик қиладиган мамлакатлар - Саудия Арабистони, БАА, Туркия, Малайзия, Индонезия каби мамлакатларда соқилади. Бундай турларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, муслмон сайёхлар диний эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай инфратузилма билан таъминланган. Бу масжидлар, халол озик-овқат тортиладиган ресторанлар ва кафелар, шунингдек халол меҳмонхоналар мавжудлигини аниқлатади. Меҳмонхона қуйидаги талабларга жавоб берадиган бўлса, муслмон меҳмонларни қабул қилиш учун мослаштирилган ҳисобланади:

## Озик-овкат

Хонада ва меҳмонхонада спиртли ичимликлар йўқ  
Халол овкатлар билан алоҳида ошхона ёки меню

## Хона

Кибла (Макка йўналиши бўйича кўрсаткич)  
Жойнамоз  
Куръон  
Намоз вақти жадвали  
Ибодат қилиш учун хонада бўш жой мавжудлиги  
Махсус ювиниш воситалари: биде, гигиеник душ ёки қумгон

## Кўшимча хизматлар

Алоҳида намоз учун хоналар  
Яқин атрофдаги масжидлар ва халол махсулотлар дўконлари ҳақида маълумот  
Меҳмонхона ходимларининг қийимларининг консерватив шакли  
Мусулмонларнинг қаноник талабларини биладиган ходимлар

Тадқиқот доирасида Москва, Санкт-Петербург ва Козон шаҳарларидан қамида бир марта саёҳат пайтида халол хизматлардан фойдаланган 182 киши билан савол-жавоб қилинди. Респондентлар орасида тахминан 60 фоизини аёллар ва 40 фоизини эркеклар ташкил қилди. Сўровда иштирок этганларнинг аксарияти 35 дан 44 ёшгача бўлганлар эди.

Бошқа нарсалар билан бир қаторда, респондентлардан меҳмонхонада қайси халол хизматларни энг муҳим деб билишларини сўрашди. Натижалар шуни кўрсатдики, махсус атрибутларнинг аҳамияти бўйича меҳмонхонада халол озик-овкат мавжудлиги устунлик қилади. Иккинчи ўринда ваннахонада гигиеник душ ёки биде мавжудлиги туради. Учинчи ўринда - меҳмонхона хонасида кибла кўрчаткичи борлиги.

Агар эркеклар ва аёлларнинг жавобларини такқослайдиган бўлсак, эркеклар учун меҳмонхонада алоҳида ибодат хонасининг мавжудлиги муҳимроқдир. Аёллар меҳмонхонада эркеклар ва аёллар учун алоҳида дам олиш жойлари мавжудлигига ва

якин атрофдаги масжидлар, халол озик-овкат дўконлари ва ресторанлар хакида маълумотга эга бўлишга кўпрок эътибор беришади. Улар учун эркакларга караганда, меҳмонхона ходимларининг хулк-атвори ва кўриниши ҳам муҳимдир.

Абу Муслим таржимаси